

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**351** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф мухитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида» 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сон ҳамда «БМТнинг Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 26 январдаги 21-сон қарорларида назарда тутилган комплекс тадбирлардан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, шунингдек Амударё дельтасида табиий тўқай ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Амударё туманлари ҳудудида умумий майдони 68717,8 гектар бўлган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибида Қуйи Амударё давлат биосфера резерватини (кейинги ўринларда давлат биосфера резервати деб аталади) қуйидаги асосда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Бадай-тўқай давлат қўриқхонасини тугатиш ва унга тегишли бўлган 6462,1 гектар ер майдонларини давлат биосфера резервати таркибига кири-тиш;

ер участкаларини, қўшимча равишда берилаётган 5106,2 гектар ерни ҳисобга олган ҳолда, 1-иловага мувофиқ давлат биосфера резервати қўриқхона зонасига доимий фойдаланишга бериш;

давлат биосфера резерватининг буфер ва ўтиш зоналари ҳудудига умумий майдони 57149,5 гектар бўлган ер участкаларини 2-иловага мувофиқ қўшиш.

Белгилаб қўйилсинки:

буфер ва ўтиш зоналаридаги ерлар ушбу зоналарда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

давлат биосфера резервати тугатилаётган Бадай-тўқай давлат қўриқхонасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ворис ҳисобланади.

2. Қуйидагилар:

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Қуйи Амударё биосфера резерватининг ходимларининг чекланган умумий сони 32 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 8 нафардан ибо-

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг
қўриқхона зонаси учун доимий фойдаланишга
бериладиган ер участкаларининг
МАЙДОНИ**

Туманлар номи	Илгариги ердан фойдаланганлар	Бериладиган ер участкалари майdonлари (га)	Берилаётган ерларнинг тонфалари
Амударё	Қипчоқ ўрмон хўжалиги	3536,5	Ўрмон фонди ерлари
	«Мангли-домбик» фермер хўжалиги	71,4	Қишлоқ хўжалиги ерлари
	—	279,4	Захирадаги ерлар
	Туман бўйича жами:	3887,3	
Беруний	Бадай-тўқай давлат қўриқхонаси	6462,1	Табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги ерлар
	Беруний ўрмон хўжалиги	1201,4	Ўрмон фонди ерлари
	Беруний қирғоқни мустаҳ- камлаш дамбалари ва ўзан- ларни тартибга солувчи иншоотлар бошқармаси	17,5	Сув фонди ерлари
	Туман бўйича жами:	7681,0	
Қўриқхона зонаси бўйича жами:		11568,3	

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг буфер ва
ўтиш зоналарига киритилган ер участкалари
МАЙДОНИ**

Туманлар номи	Буфер зонаси, га	Оралиқ зона, га
Амударё	3919,9	31402,1
Беруний	2811,5	19016,0
Жами	6731,4	50418,1
Ҳаммаси	57149,5	

рат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда:

давлат биосфера резервати штатлар жадвалини, шу жумладан Бадай-тўқай давлат кўриқхонаси ва ўрмон хўжаликларидан берилаётган штат бирликлари ҳисобига, 5-иловага мувофиқ шакллантирсин ва тасдиқласин;

давлат биосфера резерватини юқори малакали мутахассислар билан таъминласин;

тугатилаётган Бадай-тўқай давлат кўриқхонасининг бинолари, иншоотлари ва бошқа мулкни, шунингдек давлат биосфера резерватига берилаётган ҳудудларда жойлашган ўрмон хўжаликларининг бинолари ва иншоотларини давлат биосфера резервати балансига белгиланган тартибда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига ижро этувчи аппарати ходимларининг тасдиқланган умумий сони доирасида давлат биосфера резервати штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек рекреацион ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларидан олинган маблағлар ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда белгиланган тартибда Қуйи Амударё давлат биосфера резерватини биосфера резерватларининг халқаро тармоғига киритиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси давлат биосфера резерватида:

илмий-услубий раҳбарликни ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

таназзулга учраган экотизимларни қайта тиклаш, тупроқ ва сувни эҳтиётлаш, табиат ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва фанлараро тадқиқотларни амалга ошириш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш, метеорологик ва гидрологик кузатувлар олиб бориш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий тусдаги маълумотларни йиғиш, ифлосланишлар таъсирини ўрганиш;

биологик хилма-хилликни баҳолаш ва мониторингини юритиш соҳасида услублар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда:

давлат биосфера резервати учун ер участкаларини олиб қўйиш ва ажратиш материалларини расмийлаштиришни;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича кўриқхона, буфер ва ўтиш зоналари чегараларини белгилашни;

ер-кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасини таъминлаш бўйича 2011 йил учун тасдиқланган бюджет маблағларининг умумий миқдори доирасида бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

2012 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таъминоти учун бюджет маблағларининг умумий миқдори доирасида давлат биосфера резервати таъминоти учун маблағлар ажратишни назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига
3-ИЛОВА

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Қуйи Амударё биосфера резервати (кейинги ўринларда биосфера резервати деб аталади) Амударё дельтасидаги тўқайларнинг биологик хилма-хиллигини сақлашни, табиатдан барқарор фойдаланишни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, маданий бойликларни муҳофаза қилишни таъминлашга мўлжалланган ер усти ва сув экологик тизимларини ўз ичига оладиган, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ҳисобланади.

2. Биосфера резерватининг давлат тилидаги номи — «Қуйи Амударё давлат биосфера резервати», рус тилида — «Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват», инглиз тилида — «Lower Amudarya State Biosphere Reserve».

3. Биосфера резерватининг ҳудуди доимий фойдаланиш учун биосфера резерватига ажратилган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг биосфера резервати ер участкалари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашган.

4. Биосфера резервати ҳудудида зоналарга ажратишга мувофиқ табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳар хил режими лари белгиланади.

Қўриқхона зонасига ёнма-ён жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг сувдан фойдаланишини ташкил қилиш учун биосфера резервати ер участкаларида сугориш каналларининг ишлашини таъминлаш учун белгиланган тартибда сервитутлар белгиланади.

5. Биосфера резервати ҳудуди ер тузиш режалари, дастурлари ва чизмаларини ишлаб чиқишда ҳамда туманларни режалаштиришда, табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

6. Биосфера резервати ўз фаолиятини ҳудудидаги бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ер тўғрисидаги, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ўрмон тўғрисидаги, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

7. Биосфера резервати белгиланган тартибда халқаро биосфера резерватлари тармоғига киритилиши ва атроф муҳитнинг глобал мониторингида иштирок этиши мумкин.

8. Биосфера резерватининг почта манзили: 230206, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Олтинсой ҚФЙ.

II. Биосфера резерватининг мақсади ва вазифалари

9. Биосфера резервати ландшафтларни, тўқайлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини, шу жумладан, кам учрайдиган ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларни, биосфера резервати ҳудудига хос бошқа табиат объектларини сақлаб қолиш, қайта тиклаш, экологик ҳолатни яхшилаш, табиат ресурсларидан барқарор фойдаланишни ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш, табиат жараёнларини ўрганиш, экологик таълим, маърифат ва тарбиянинг ривожланишига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган.

10. Белгиланган мақсадларга мувофиқ, биосфера резервати ҳудудига қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- минтақанинг табиий ва маданий меросини сақлаб қолиш;
- биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш;
- ландшафтларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш;
- табиат ресурсларидан экологик жиҳатдан барқарор фойдаланишга йўналтирилган механизмларни яратиш;
- фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- атроф муҳит, биосфера резервати ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мониторингини юритиш;
- махаллий аҳолини, нодавлат нотижорат ташкилотларни биосфера резерватини бошқаришга жалб этиш;
- экологик тарғибот ва таълим;
- аҳолининг хабардорлик ва экологик онги даражасини юксалтириш;
- экологик туризмни ташкил қилиш.

III. Биосфера резерватининг ҳуқуқий мақоми

11. Биосфера резервати юридик шахс сифатида табиатни муҳофаза қилиш давлат илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил қилинади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига бўйсунди.

12. Кўрсатиб ўтилган вазифаларга мувофиқ қуйидагилар биосфера резерватининг асосий функциялари ҳисобланади:

тўқайлардаги биологик хилма-хилликни, шу жумладан, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот турларини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш ишларини ташкил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларга тўқайларнинг табиий ресурсларидан фойдаланиш, уларни кўпайтириш ва қайта тиклаш режимини таъминлашда ёрдам бериш;

барқарор ривожлантириш бўйича намоёиш лойиҳаларини амалга ошириш;

табиий ландшафтлар тузилмасини ва экотизимлар яхлитлигини, тўқайларнинг биологик турларини ва генетик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш соҳасида илмий фаолиятни амалга ошириш;

табиатдан фойдаланувчилар, нодавлат нотижорат ва илмий ташкилотларни жалб қилган ҳолда атроф табиий муҳит, биосфера резервати ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мониторингини олиб бориш;

табиатдан фойдаланиш ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича экологик жиҳатдан муҳим ечимларни қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва унга маҳаллий аҳолини жалб этиш;

экологик билимлар тарғиботини амалга ошириш, аҳолининг экологик таълими ва экологик тарбиясига ёрдам бериш;

биосфера резервати фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ва унинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тажрибасини оммалаштириш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

13. Биосфера резерватининг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳри, ўз номи ёзилган штампи, шунингдек банкларда ҳисоб рақами, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақами бўлади.

14. Биосфера резерватининг ўз рамзий белгилари — байроқлари, вимпеллари, эмблемалари ва шу қабилари бўлиши мумкин.

Бошқа ташкилотларнинг биосфера резервати ҳудудига жойлашган табиий ва тарихий-маданий комплекслар тасвиридан, шунингдек уларнинг номларидан ва рамзларидан фойдаланган ҳолда матбаа маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариши фақат биосфера резервати билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

IV. Биосфера резерватини бошқариш

15. Биосфера резерватини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси деб аталади) томонидан амалга оширилади. Бошқарма:

биосфера резерватини унинг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган мулк билан таъминлайди;

биосфера резерватининг даромад ва харажатлар сметасини, шунингдек молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлайди;

биосфера резервати томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини ва уларнинг нархини тасдиқлайди;

биосфера резерватининг бюджетдан ташқари жамғармаси даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди;

зарур ҳолларда штатлар жадвалига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

биосфера резервати рамзларини тасдиқлайди;

биосфера резерватининг илмий-тадқиқот ва бошқа фаолияти режаларини ва улар бўйича ҳисоботларни тасдиқлайди;

конун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Биосфера резерватини бевосита бошқаришни директор ва унинг ўринбосарлари амалга оширади, улар биосфера резервати фаолиятининг ташкил қилиниши учун жавоб беради.

17. Биосфера резерватининг директори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тақдимномасига биноан Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан тайинланади.

Директорнинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси билан келишилган ҳолда биосфера резервати директорининг буйруқлари билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

18. Биосфера резерватининг директори, қонунчиликка ва мазкур Низомга риоя қилган ҳолда, биосфера резервати фаолиятига раҳбарлик ишларини юритади. Биосфера резервати директори:

биосфера резервати маблағлари ва мулкни тасарруф қилади;

биосфера резервати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва тўхтатади;

биосфера резерватининг асбоб-ускуналари ва бошқа мулклари муҳофаза қилинишини ташкил этади;

хўжалик шартномалари тузади ва уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

биосфера резервати номидан банк муассасаларида молиявий операцияларни амалга оширади;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда ишонч қоғозисиз биосфера резервати манфаатларини ифодалайди.

Биосфера резервати директори биосфера резерватининг қўриқхона зонаси режимини таъминлаш, мулкни сақлаш, давлат статистика ва бошқа ҳисоботларини ўз вақтида тақдим қилиш, молиявий, шартномавий ва меҳнат интизомига риоя этилиши учун жавоб беради.

19. Биосфера резервати директорининг илмий ишлар ва экологик таълим бўйича ўринбосари қўйидагилар учун жавоб беради:

илмий-тадқиқот фаолиятини, атроф табиий муҳити мониторингини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

биосфера резервати ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш;

барқарор ривожланишни режалаштиришни ташкил қилиш;

биосфера резерватининг рекреацион фаолиятини таъминлаш;

экологик тарғибот ва таълимни ташкил қилиш ва амалга ошириш.

20. Биосфера резервати директорининг муҳофаза бўйича ўринбосари қўйидагилар учун жавоб беради:

биосфера резерватининг қўриқхона зонасини муҳофаза қилишни, шу жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

қурол-яроғ, ўқ-дориларнинг сақланишини ва уларнинг тўғри олиб юрилишини, махсус кийим-кечак, алоқа воситалари, махсус аслаҳалар ва бошқа техникадан фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш;

амалдаги талабларнинг бузилиши ҳолатлари бўйича материалларни бел-

гиланган тартибда текшириш, расмийлаштириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун тегишли идораларга юбориш;

биосфера резерватини муҳофаза қилиш ходимлари томонидан маъмурий жавобгарлик чораларининг тўғри қўлланилишини таъминлаш.

21. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун тузилади:

биосфера резерватининг чегаралари ва кўламларини ўзгартириш;

биосфера резерватининг буфер ва ўтиш зоналарида табиатдан фойдаланиш ва бошқа фаолият турлари бўйича чекловларни белгилаш ёки бекор қилиш;

биосфера резервати ҳудудига тааллуқли табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ер тузиш ва туман бўйича лойиҳалаштириш режалари ва дастурлари, чизмалари, бошқа режалар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

биосфера резерватидаги табиат объектлари ва комплексларини муҳофаза қилиш, кўпайтириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш;

биосфера резерватининг иш юритиши учун энг муҳим ҳисобланган бошқа масалалар бўйича.

Юқорида қайд этилган масалалар бўйича ечимлар Мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқилгандан сўнг қабул қилинади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўрмон хўжалиги бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, ҳудудда биосфера резервати жойлашган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек илмий ва бошқа ташкилотлар, муассасалар вакиллари киради.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг шахсий таркиби, шунингдек унинг тўғрисидаги Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тақдимига биноан Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

22. Биосфера резервати тўғрисидаги асосий маълумотлар биосфера резерватининг паспортида акс этирилади. Паспортга киритиладиган маълумотлар рўйхати ва уни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

23. Биосфера резерватининг фаолияти бошқарув режалари асосида таъминланади. Бошқарув режаларининг мазмуни, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

24. Биосфера резервати табиатни муҳофаза қилиш органларига атроф табиий муҳит мониторингини юритиш ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри учун зарур маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бепул тақдим этади.

25. Биосфера резерватида Илмий кенгаш, шунингдек бамаслаҳат ечимлар қабул қилиш учун жамоатчилик асосида бошқа маслаҳат органлари тузилади.

26. Биосфера резервати зоналари режимига риоя этилиши юзасидан

давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

V. Биосфера резервати ҳудудини зоналарга ажратиш

27. Биосфера резервати ҳудуди 68717,8 гектардан иборат бўлиб, у биосфера резерватига доимий фойдаланишга берилган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат биосфера резервати чегараларидаги ер участкаларида жойлашган.

Мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун биосфера резервати ҳудудига қўриқхона, буфер ва ўтиш зоналари ажратилади.

28. Қўриқхона зонаси 11568,3 гектардан иборат бўлиб, у қатъий режимдаги муҳофазаланадиган зона ҳисобланади. Ушбу зона табиат объектлари ва комплексларини тўлиқ сақлаб қолиш, илмий тадқиқотлар ва мониторинг олиб бориш учун мўлжалланган. Қўриқхона зонаси ерлари биосфера резерватига доимий фойдаланиш учун берилади.

Биосфера резерватининг қўриқхона зонаси ҳудудига, қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат қўриқхоналари режими ўрнатилади.

29. Буфер зонаси 6731,4 гектардан иборат бўлиб, табиат объектлари ва комплексларини сақлаш, кўпайтириш ва қайта тиклаш учун мўлжалланган. Буфер зонасидаги режим қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилади. Буфер зонаси ерлари ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ёки ижарачилар тасарруфида ёки фойдаланишида бўлади.

30. Ўтиш зонаси 50418,1 гектарни ташкил қилади ва у биосфера резерватидаги табиат объектлари ҳамда комплексларига зарар келтирмайдиган хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган. Ўтиш зонаси ерлари бошқа ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ижарачилар тасарруфида ёки фойдаланишида бўлади.

31. Биосфера резервати ҳудуди ёки зоналари кўламини ва чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

VI. Биосфера резервати зоналарининг режими

32. Қўриқхона зонасида ҳар қандай хўжалик фаолияти ёки бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш тақиқланади, илмий тадқиқотлар ва атроф табиий муҳит мониторинги бундан мустасно. Биосфера резервати ходимлари ҳисобланмайдиган шахсларнинг ушбу ҳудудда бўлишига фақат биосфера резервати ёки Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси раҳбарининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

33. Буфер зонасида қуйидагиларга рухсат этилади:

қўриқхона зонасида биологик хилма-хилликни сақлашга салбий таъсир кўрсатмайдиган анъанавий табиатдан фойдаланиш;

қишлоқ хўжалиги учун экстенсив ва мавсумли фойдаланиш — қишлоқ хўжалиги экинларини белгиланган тартибда экиш, мол боқиш ва пичан ўриш;

енгил турдаги иморатлар ва иншоотлар қуриш;

биосфера резервати ходимлари учун, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турар жойлар ва хизмат хоналари қуриш;

рекреацион фойдаланиш, экологик туризм;

дори-дармон ва озик-овқат ўсимликларини йиғиш;

атроф табиий муҳит мониторинги ва экотизимлардаги ўзгаришларни назорат қилиш;

илмий тадқиқотлар олиб бориш, мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш;

биологик хилма-хиллик объектларини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш, шу жумладан, питомниклар, намойиш вольерлари барпо этиш ва бошқалар;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва ҳимоя қилишга доир ўрмон хўжалиги фаолияти;

дарахтларни санитария мақсадида кесиш, парваришлаш учун кесиш;

маъданли сувлар ва даволаш ресурсларидан фойдаланиш;

экологик билимлар тарғиботи, намойиш участкалари, янги технологиялар марказлари ташкил қилиш ва табиатдан фойдаланишни бошқариш бўйича ўқув дастурларини амалга ошириши;

ёнғинга қарши чора-тадбирларни ўтказиш;

ветеринария ва санитария профилактика тадбирларини ўтказиш.

34. Буфер зонасида хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

35. Ўтиш зонасида муҳофаза қилинадиган объектлар ва комплексларга зарар келтирмайдиган турли хил ишлаб чиқариш фаолиятига йўл қўйилади. Ўтиш зонасида қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек экологик йўналишдаги технологияларни ўрганиш учун экспериментал участкалар жойлашади.

36. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш мақсадида буфер ва ўтиш зоналарида табиат питомниклари ташкил этилиши мумкин.

VII. Биосфера резерватининг илмий-тадқиқот фаолияти ва мониторинг

37. Биосфера резерватининг илмий-тадқиқот фаолияти табиат жараёнларини ва ходисаларини фундаментал тарзда ўрганишга, шунингдек ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган.

38. Биосфера резервати ҳудудда атроф табиий муҳитнинг доимий мониторинги, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мониторинг амалга оширилади. Мониторинг натижаларидан биосфера резерватини бошқариш режаларини тузиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини тузиш, биосфера резерватларининг халқаро тармоғида глобал мониторинг юритиш учун фойдаланилади.

39. Қўйидагилар илмий тадқиқотлар ва мониторингнинг вазифалари ҳисобланади:

фундаментал ва амалий, шу жумладан, маҳаллий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар, ижтимоий ва табиий фанларни бирлаштирувчи фанлараро тадқиқотлар, шунингдек таназзулга учраган экотизимларни қайта тиклашга, тупроқ ва сувни сақлашга, табиат ресурсларидан барқарор фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотларни олиб бориш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш, метеорологик ва гидрологик кузатувлар олиб бориш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий тусдаги маълумотларни йиғиш, ифлосланишларнинг таъсирини ўрганиш;

биологик хилма-хилликни баҳолаш ва мониторингини юритиш соҳасида усуллар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ва синаб кўриш;

илмий тадқиқотлар ва мониторинг натижаларидан оқилона фойдаланиш мақсадида маълумотларни бошқаришнинг функционал тизимини яратиш.

40. Илмий фаолият ва мониторинг ўтказишга илмий муассасалар, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий муассасалари, шунингдек алоҳида олимлар жалб этилади. Илмий муассасалар ва алоҳида мутахассислар биосфера резервати билан келишилган ҳолда ўз дастурлари бўйича илмий фаолиятни амалга ошириши мумкин.

41. Биосфера резервати илмий-тадқиқот фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобига олинган натижалари давлат мулки ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахслар ҳисобига олинган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларига эгалик ҳуқуқи биосфера резервати ва қайд қилинган шахслар ўртасида тузилган шартномаларда белгиланади. Биосфера резервати илмий тадқиқот натижаларидан бепул фойдаланади.

42. Илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун биосфера резерватида илмий фондлар сақланадиган жой, дала базалари ва биосфера резервати худудиди кордонлар бўлиши лозим. Биосфера резервати илмий фондлари муддати белгиланмасдан сақланиши шарт.

43. Биосфера резерватида услубий раҳбарлик ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан амалга оширилади.

44. Биосфера резерватида Илмий кенгаш тузилади. Илмий кенгаш тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг тақдимномасига биноан Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

45. Биосфера резервати ўз илмий асарларининг чоп этилишини таъминлайди ва шахсий босма нашрларига эга бўлиши мумкин.

VIII. Жамоатчиликнинг хабардорлиги ва унинг биосфера резервати бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштироки

46. Биосфера резервати жамоатчиликнинг хабардорлигини ва уларнинг биосфера резервати бўйича қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлайди.

Биосфера резерватини бошқаришга аҳолини жалб қилиш мақсадида

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек фуқаролар орасидан жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан маслаҳат комиссияси тузилади. Биосфера резервати бўйича мазкур ҳудудларда яшайдиган аҳолининг манфаатларига дахлдор қарорлар маслаҳат комиссиясининг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

47. Жамоатчиликни хабардор қилиш учун биосфера резерватида ахборот (ташриф) марказлари ташкил қилинади, уларда аҳолига экологик билимларни тарғиб қилиш ва ўқитиш тадбирлари ўтказилади. Мазкур марказларда биосфера резервати, унинг табиий тавсифномаси, зоналарга ажратилиши тўғрисидаги умумий маълумотлар сақланади.

Ахборот (ташриф) марказларидаги ишлар биосфера резервати ходимлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

IX. Биосфера резерватини муҳофаза қилишни амалга ошириш

48. Биосфера резерватининг қўриқхона зонасини муҳофаза қилиш биосфера резервати муҳофаза ходимлари томонидан амалга оширилади.

49. Биосфера резервати муҳофаза ходимлари қўйидаги ҳуқуқларга эга: қўриқхона зонаси ҳудудида бўлиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш;

ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда маъмурий ушлаб туришни амалга ошириш, ашёлар ва ҳужжатларни, шунингдек табиатдан ноқонуний фойдаланишдан олинган маҳсулотларни олиб қўйиш, маъмурий жазо чораларини қўллаш;

айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун материалларни тегишли органларга жўнатиш;

биосфера резервати режимини бузган ҳолда амалга оширилган табиатдан фойдаланиш, хўжалик ёки бошқа фаолият тўғрисида тегишли идораларга хабар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

50. Биосфера резервати муҳофаза ходимларига хизмат вазифаларини бажариш пайтида белгиланган тартибда ўқ отар қурол олиб юришга рухсат этилади. Биосфера резервати муҳофаза ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида ўқ отар қуролдан ва махсус воситаларни (қўлкишан, резина таёк, кўздан ёш оқизадиган газ, транспорт воситаларини мажбурий тўхтатувчи воситаларни) қўллаш, шунингдек хизмат итларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўқ отар қурол ва махсус воситалар олиб юриш, шунингдек уларни бериш, олиб юриш, сақлаш, қўлланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

51. Биосфера резервати муҳофаза ходимлари табиатни муҳофаза қилиш

бўйича давлат инспекторларига тегишли ҳамма ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадилар.

Директор ва директорнинг муҳофаза бўйича ўринбосари табиатни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспекторларига, муҳофаза ходимлари эса — давлат инспекторларига тенглаштирилади.

52. Биосфера резервати муҳофаза ходимлари белгиланган намунадаги формали кийим-кечак ва белгиланган нормативлар бўйича даража белгилари билан таъминланади.

Муҳофаза ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади.

53. Муҳофаза ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобидан мажбурий сугурта қилинади.

54. Биосфера резервати ҳудудини муҳофаза қилишга табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат инспекторлари жалб этилиши мумкин.

Х. Яқунловчи қоидалар

55. Биосфера резервати мулкига иморатлар, иншоотлар, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан тезкор бошқариш ҳуқуқи билан унга берилган пул маблағлари киради.

56. Биосфера резервати қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади: республика бюджети;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

биосфера резервати табиий ресурсларига етказилган зарарни қоплаш тартибида юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган маблағлар;

биосфера резервати кўриқхона ҳудудида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлар ижроси тартибида лавозимли шахслар ва фуқаролардан ундириладиган жарималар;

илмий-тадқиқот, рекреацион, туризм-экскурсия, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-нашриёт ва тарғибот фаолиятдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Биосфера резервати ўз маблағларини Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ мустақил равишда тасарруф қилади.

57. Биосфера резерватида қонун ҳужжатларига мувофиқ биосфера резерватини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинади.

58. Биосфера резервати ўзи амалга оширадиган фаолият бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритади.

59. Биосфера резервати ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан озод қилиш штатлар жадвали ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

60. Биосфера резервати фаолияти юзасидан назоратни ваколатли давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.


61. Биосфера резервати режими бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ, белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

62. Айбдор шахслардан биосфера резерватининг муҳофаза қилинадиган табиат объектлари ва комплексларига етказган зарарини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда маблағ ундирилади.

63. Биосфера резерватини тугатиш ва қайта ташкил қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ижро
этувчи аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 32 нафар,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 8 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг
штатлар жадвалини Бадай-тўқай давлат қўриқхонаси ва
ўрмон хўжаликларининг берилаётган штат бирликлари
ҳисобига шакллантириш**

Т/р	Корхона ва муассасалар номи	Берилаётган штат бирликлари сони
1.	Бадай-тўқай давлат қўриқхонаси	24
2.	Беруний ўрмон хўжалиги	1
3.	Бозатау ўрмон хўжалиги	1
4.	Қипчоқ ўрмон хўжалиги	2
5.	Нукус ўрмон хўжалиги	1
6.	Қораўзак ўрмон хўжалиги	1
7.	Қўнғирот давлат ўрмон-овчилик хўжалиги	2
	Жами	32